

2014/2,  
kuz fasli



# SO'Z SAN'ATI

ИСКУССТВО СЛОВА  
WORD ART

Ilmiy maqolalar to'plami

- ❖ *Lingvopoetika*
- ❖ *Kulturologiya*
- ❖ *Nutq madaniyati*
- ❖ *Tarjima san'ati*



## НУТҚ МАДАНИЯТИ

- Джалилов Э.К., Тошпулатов М.Ф., Каюмова Н. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ..... 50

## ЛИНГВОПОЭТИКА

- Файзуллаева Д. ПРОБЛЕМЫ ЯЗЫКОВЫХ БАРЬЕРОВ ПРИ ИЗУЧЕНИИ..... 52
- ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА..... 52
- Тоғаева Ф. БАДИИЙ МАТНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАРЖИМА..... 53
- Баҳриев С. KONSTITUTIVE EIGENSCHAFTEN DER WORTKLASSE UND BESONDERHEITEN EINZELNER PRÄPOSITIONEN IM DEUTSCHEN..... 56
- Тўраев А. ТИЛ БИРЛИКЛАРИ ТАҲЛИЛИДА СЕМАНТИКА ВА ПРАГМАТИКАНИНГ ҲАМКОРЛИГИ..... 58
- Sattorova F. INTERACTIVE METHODS OF TEACHING THE ENGLISH LANGUAGE..... 60
- Муминова О., Фарходов Дж. К ВОПРОСУ О ВЗАИМОСВЯЗИ КУЛЬТУР УЗБЕКИСТАНА И КИТАЯ..... 63
- Мардиева Х. ИЛМИЙ-ОММАБОП МАҚОЛАЛАРДА АТАМА ҚЎЛЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР (“ЗАРАФШОН” ГАЗЕТАСИДАГИ МАҚОЛАЛАР МИСОЛИДА)..... 65
- Аблакулова И. ИНГЛИЗ ТИЛИДА МОДАЛЛИК МАЪНОСИНИНГ КЕНГАЙИШИ (SHOULD ФЕЪЛИ МИСОЛИДА)..... 70
- Абдураззоқов Б. ЁРДАМЧИ СЎЗЛАРНИНГ ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ИФОДАЛАНАШИГА ДОИР..... 73
- Ҳакимова А. ИЖТИМОИЙ ВОҚЕЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ФАЛСАФИЙ АТАМАЛАР ТАҲЛИЛИ..... 74

am Fluß entlang, oben entlang

Diese Fälle werden im Zusammenhang mit den Phänomenen Postposition und Präfixverbbildung unten (unter ad ii) abgehandelt.

[2] Einige andere Präpositionen können zwar vor (lokalen und temporalen) Adverbphrasen stehen, nicht jedoch vor Präpositionalphrasen. Hierher gehören *ab, nach, für, und seit*:

(8) Geh bitte **nach oben** / **nach ganz vorne** / **Ab hier** geht es nicht weiter.

(9) Reservieren Sie mir bitte **für** / **ab morgen** ein Zimmer. / Das Zimmer ist **seit gestern** reserviert.

#### LITERATUR:

1. Forstreuter E. u.a. *Die Präpositionen*. Leipzig, 2008.-442 S.
2. Bushuy A. *Im Ausgangspunkt der Samarkander phraseologischen Schule // Collected Articles of the 3rd International Linguistics Conference.-Cambridge: Cambridge Scholars Publishing, 2014. – P. 213-217.*

### ТИЛ БИРЛИКЛАРИ ТАҲЛИЛИДА СЕМАНТИКА ВА ПРАГМАТИКАНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Азиз Тўраев, СамДЧТИ магистранти

Ҳозирги замон тилшунослиги диққат марказида тил ҳодисаларига бир томонлама ёндашувдан воз кечиш имкониятини берувчи омил турибди. Бу омил «синтактика - семантика - прагматика» тадқиқ дастурини амалга оширишни назарда тутди. «Прагматика» тушунчаси эса, замонавий лингвистиканинг методологик тушунчалар мажмуасидан мустақкам ўрин олган. Бу бир томондан яхши, соҳанинг муҳимлиги, кўтарилаётган масалаларнинг кўплиги, танланган йўналишнинг долзарблиги барчанинг эътиборини тортаётганлиги бунинг исботидир. Бироқ, «бир қатор тадқиқотчиларнинг уринишларига қарамасдан, бу муаммо уз ечимини топганича йўқ, хануз прагматиканинг бошқа тилшунослик соҳалари қаторида тутган ўрни, унинг соҳалараро муносабати ҳақида айтилаётган фикрларнинг охири қуринмаяпти» [6,52]. Муаллифлар қайд қилганидек, «ҳозирча ҳеч бир тилшунос тил тизими тадқиқотида қайси соҳа прагматикага оид ёки унга ёт эканлигини бирор-бир ишонч билан айта олмапти» [7,6]. Аслида, прагматика семиотиканинг бир бўлими сифатида ажратилган эди. Ушбу фан асосчиларидан бўлган Ч.Моррис «синтактика - семантика - прагматика» учлигини фарқлашни таклиф қилиб, прагматика тушунчаси объект ва унинг тил тизимидаги ифода-белгиси муносабатидан ташқари, ушбу белгини қўллаш шароити ва қўлловчи шахсга эътибор бериш эҳтиёжини қондириш учун киритган эди.

Семантика ва прагматиканинг ҳамкорлиги тил бирликлари маъно ва вазифа имкониятлари таҳлилини чуқурлаштирди, синтактика соҳасидаги тадқиқотларнинг доираси кенгайиб, қўлланилаётган услублар лисоний белгилар, синтактик муносабатларнинг мулоқот матнида фаоллашув даражасини аниқлаш имкониятини бермоқда.

Прагматик мазмун сифатида сўзловчининг руҳий ҳолати, унинг берилаётган ахборотга нисбатан муносабати ҳамда унинг тингловчига таъсир ўтказиб, маълум ҳаракатга ундаш нияти қаралади. Ушбу мазмунга нисбатан

гапларнинг куйидаги прагматик турлари фарқланади: констатив (хабар, таъриф, ҳисобот мазмуни ифодаланганда), директив (буйруқ, илтимос, фармойиш каби мазмунлар ифодаланганда), комиссив (ваъда бериш), экспрессив (таклиф қилиш, узр сўраш, миннатдорчилик изҳор этиш каби мазмунлар ифодаланганда), реквистив (илтимос ёки талаб қилиш) ва бошқалар [8,86; 5,27; 3,97].

Юқоридаги ҳаракат турларининг аниқ рўйхати, фарқини кўрсатиш учун хизмат қиладиган услублар ҳақида турли-туман фикрлар билдирилган. Таъкидлаб ўтилганидек, уларни фарқлаш учун хизмат қиладиган ягона мезон сўзловчининг тингловчини маълум ҳаракатга ундаш режасидир. Қўлланилаётган тил бирликларининг структуравий хусусиятлари эса, қарийб инobatга олинмайди, улар фақатгина восита сифатида тан олинади. Ягона шаклий кўрсаткич сифатида қўлланилаётган (ёки қўлланиши мумкин бўлган) перформатив феъл танлаш ва бу феъл нутқий ҳаракат мазмунини очиши учун хизмат қилади. Перформатив феъл оғзаки нутқда бевосита қўлланмаса ҳам, матнда унга ишора қилувчи белгилар булади ёки ушбу феълни тиклаш имконияти мавжуд.

**Қиёсланг:**

I assure you, Mrs. Higgins, we take Eliza very seriously ; [10,122];

Johnny: Come with me. You come with me you watch me. You can keep me looked up for three days ..! That's all it takes Polo. Three lousy days.

Polo: Johnny, I can't watch you go through that again.. [11,302]. 3)

Mortimer: We're dining with the Vancoures at 8.15. Constance: For eight - thirty. I promise Г11 send her home in good time to dress [9,160].

Айрим турдаги нутқий ҳаракатларда перформативнинг қўлланиши ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Масалан, таъқиқ, талаб, ижозат каби буйруқ - истак мазмунлари ифодаланганда перформатив феъл анча осон тикланади:

Passengers are not allowed to smoke; I demand he should take pail in this undertaking; Now you may go. I consent to your proposal.

Бинобарин, тасдиқ мазмуни дарак гап, ундош ва сўраш эса буйруқ ҳамда сўро қшакллари воситасида ифодаланиши барчага аёндек.

Аммо бу ҳилдаги шакл ва мазмун уйғунлиги тил ва нутқ тизимлари учун доимий мувофиқлик касб этмайди:

Why not leave her alone?

Why don't you let that to Tom?

Who said I was sorry?

I wish you would stop pulling at my arm.

Can you give me a lift to the station?

Дастлабки икки гап, гарчанд савол шаклида тузилган бўлса-да, Маслаҳат мазмунини ифода қилиш учун хизмат қилади. Учинчи савол-гап эса, тасдиқ мақсади кўзланган ҳолда нутқда қўлланилади.

Қолган икки гапни мулоқот жараёнида қўллашдан мақсад илтимос мазмунини баён қилишдир, лекин, 4-гап дарак, 5 – савол шакллари эга. Демак, сузловчи мулоқот фаолияти жараёнида ўз коммуникатив мақсадини билвосита, яъни турли-туман грамматик-структуравий шаклларга мурожаат қилиш йўли билан ифода қилиш имкониятига эга.

Прагмалингвистикада бу услуб асосида тузиладиган нутқий ҳаракатлар *indirect speech acts* тушунчаси билан аталади [4,141-153].

Кайд қилиш лозимки, шу пайтгача нутқий ҳаракатлар назарияси асосан содда гаплар прагматикаси билан шуғулланишни давом эттирокда.

Мураккаб нутқий тузилмалардан фақатгина матнт анлаб олиниб, унинг таркибига кирувчи бошқа мураккаб тузилмаларнинг прагматик имкониятлари назардан четда қолмоқда. Юқорида эслатганимиздек, Синтаксис таълимотида содда ва кўшма гаплар қарама- қаршилиги доимийдир.

Келтирилган тузилмалар синтактик таркибига нисбатан турли хусусиятларга эга бўлишига қарамасдан (эргаш гапли кўшма гап, уюшган кўшма гап ва иловали тузилма), сузсиз, маълум турдаги коммуникатив мақсадларни ифода этиш учун хизмат қилади ва шунга нисбатан нутқий ҳаракат назарияси асосида таҳлил қилишга тўлиғича лойиқ деб ҳисоблаймиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азнаурова Э.С. *Прагматика художественного слова*. Т.: Фан, 1988. - 119 с.
2. Ашурова Д.У. *Производное слово в свете коммуникативной теории языка*. Т.: Фан, 1991.-98 с.
3. Богданов В.В. *Речевое общение. Прагматические и семантические аспекты*. - Л.: Изд-во ЛГУ, 1990. - 88 с.
4. Поспелова А.Г. *Косвенные высказывания // Спорные вопросы английской грамматики*. Л.: ЛГУ, 1988. - С.141-153.
5. Почетцов О.Г. *Прагматическая структура высказывания // Языковые общение и его единицы*. Калинин, 1986. -С.3-13.
6. Сафаров Ш.С. *Прагматингвистика. "Ўзбекистон миллий энциклопедиями" Давлат илмий нашриёти*. Тошкент- 2008 - С. 273
7. *Языковая деятельность в аспекте лингвистической прагматики*. М.: Наука, 1984.-186 с.
8. Searle J. *What is a Speech Act // The Philosophy of Language*. London, 1971. - P.39-53.
9. Maugham W.S. *Cakes and ale or the Skeleton in the Carp board*. - М.: Progress, 1980.-238 p.
10. Shaw G.B. *Four Plays*. -М., 1952. -143 p.
11. Green G. *The Comedians*. - Penguin Books, 1984.-337 p.

#### INTERACTIVE METHODS OF TEACHING THE ENGLISH LANGUAGE

*F. Sattorova (1st year master's student)*

There are three correlated terms in methodics of teaching foreign languages: approach, method and technique. According to Anthony, "The arrangement is hierarchical. The organizational key is that techniques carry out a method which is consistent with an approach. "His concept of approach was of a set of principles or ideas about the nature of language learning which would be consistent over time; "an approach is axiomatic". A method is a plan for presenting the language material to be learned and should be based upon a selected approach." Methods of foreign language teaching is understood as a body both scientifically tested theory concerning the teaching of foreign languages. It covers three main problems: